

“МАРКАЗИЙ ОСИЁ: УМУМИЙ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ МЕРОС – УМУМИЙ КЕЛАЖАК” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО КОНГРЕСС ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Қадрли дўстлар!
Авваламбор, Сиз, азизларни — Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда Озарбайжондан ташриф буюрган таниқли олим ва тадқиқотчилар, маданият ва санъат намояндаларини, халқаро ташкилотлар вакиллари, бой маънавий-маърифий меросимизнинг долзарб масалаларига бағишланган биринчи халқаро конгресснинг барча иштирокчиларини самимий қутладан ғоят мамнунман.

Маълумки, азалий дўстлик ва қардошлик ришталари билан боғланган Марказий Осиё давлатлари ҳамда Озарбайжон халқларини умумий тарих ва маданиятимиз, бой маънавий ва илмий меросимиз янада бирлаштириб келади.

Мамлакатимиз ҳудудида яшаб ижод қилган буюк тафаккур соҳиблари дунёни билим ва маърифат нури билан мунаввар этиб, фундаментал асарлари, машҳур илмий кашфиётлари орқали жаҳон тараққиётига муносиб ҳисса қўшганлар.

Мазкур анжуман янги барпо этилган Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида бўлиб ўтаётгани албатта бежиз эмас. Ушбу муаззам мажмуада уч минг йилдан зиёд шонли тарих, жумладан, минтақамиз заминидagi Биринчи ва Иккинчи Ренессанс даврларини, шунингдек, Янги Ўзбекистоннинг бутунги

тараққиёти ва келажагини мужассам этган ноёб интеллектуал-маънавий масканда Сизлар бу ҳақиқатни яққол ҳис қилишингиз мумкин.

Ҳурматли конгресс иштирокчилари!
Турли минтақаларда зиддият ҳамда қарама-қаршиликлар кучайиб бораётган ҳозирги мураккаб даврда тинчлик ва барқарорликни сақлаш, ҳар бир ишда илм ва маърифатга таяниш, турли халқлар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, цивилизациялараро мулоқотни кучайтириш барчамизнинг энг долзарб вазифамиз бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистонда бу борада катта ислохотлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда қарийб 500 та янги умумтаълим мактаби барпо этилгани, олий ўқув юр்தларининг сони 77 тадан 202 тага етгани, Президент мактаблари, буюк олим ва мутафаккирлар номлари билан аталадиган ижод мактаблари фаолият кўрсатаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Халқаро ҳамкорларимиз билан маънавий-маърифий меросни сақлаш бўйича тажриба ва фикр алмашиш, биргаликдаги қўшма тадқиқот ва лойиҳаларнинг устувор йўналишларини аниқлаб олиш бундан кейин ҳам доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Сизларнинг иштирокингизда Марказий Осиёдаги ислом цивилизациясининг глобал маърифатчилик ҳаракати, илм-фан ва маданият ривожига қўшган ҳиссасини эътироф этиш ҳақида БМТ Бош Ассамблеясининг махсус резолюцияси лойиҳасини ишлаб чиқсак, бу борада катта амалий қадам бўлади. Биз келгуси йили БМТнинг Бош қароргоҳида буюк аждодларимизнинг бой илмий ва маънавий меросига бағишлаб ташкил этиладиган тақдирот доирасида мазкур резолюцияни қабул қилиш бўйича алоҳида тадбир ўтказишни режалаштирганмиз.

Буюк тарихга эга Марказий Осиёнинг илм-фан ва маърифат маркази сифатидаги ўрнини янада мустаҳкамлаш учун биргаликда самарали иш олиб боришимиз зарур ва бу шарафни йўлда барча шарт-шароитларни яратиб беришга тайёرمىз.

Бутунги анжуман келгусида ҳам доимий ўтказилиб, илмий-маданий ҳаётимизда самарали мулоқот майдонига айланишига ишонаман.

Барчангизга мустаҳкам соғлиқ, шарафли фаолиятингизда янги ютуқ ва омадлар, конгресс ишига эса муваффақиятлар тиламан.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Илҳом АЛИЕВ: “ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАР, ИШОНЧЛИ ИТТИФОҚЧИЛАРДИР”



Тошкент шаҳрида бўлажак Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашуви олдида Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев билан интервью ташкил қилинди.

— Ҳурматли жаноб Президент, Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувида иштирок этишингиз қутлиятти. Ушбу формат ҳақида қандай фикрдасиз? Озарбайжоннинг минтақа давлатлари билан алоқалари қай тусда ривожланмоқда ва ҳамкорликнинг бутунги даражаси Сизни қониқтирадими?

— Аввало, таъкидламоқчиманки, бу Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Маслаҳат учрашувида фахрий меҳмон сифатида учинчи бор иштирок этишим. Мен қатнашган биринчи шундай тадбир 2023 йил Душанбеда, иккинчиси 2024 йил Остонада бўлиб ўтган. Навбатдаги мулоқотта Тошкент мезбонлик қилади. Барча ҳамкасбларим, айниқса, Ўзбекистон Президенти, биродарим Шавкат Мирзиёевга тақдирот ҳамда Озарбайжоннинг ушбу муҳим тадбирда иштирокчини қўллаб-қувватлагани учун самимий миннатдорлик билдираман.

Озарбайжон ва Марказий Осиё мамлакатлари стратегик аҳамияти тобора орти бораётган умумий тарихий-маданий, географик ва геосиёсий маконни барпо этмоқда. Бир қарашда Озарбайжонни Марказий Осиё давлатларидан ажратиб турган

Каспий денгизи, аслида, давлатларимизни жипслаштирувчи муҳим омил ҳисобланади. Бугун ушбу денгиз шунчаки географик тушунча эмас, балки стратегик бирлик, иқтисодий салоҳият ва халқларимизнинг тарихий ҳамкорлиги рамзидир.

Мамлакатларимизни нафақат географик яқинлик, балки тарихий-маданий алоқалар, муштарак диний ва маънавий қадриятлар, урф-одатлар бирлаштириб туради.

Озарбайжон минтақадаги барча мамлакатлар билан ҳамкорликни энг юқори даражада ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратади. Икки томонлама ўрнатилган мазкур стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатлари, шунингдек, фаол сиёсий мулоқотимиз, ўзаро ташрифларимиз ушбу жараён муваффақиятли кечилишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга деб ҳисоблайман.

Сўнгги бир неча йил ичида давлат раҳбарларининг ўзаро ташрифлари ва мулоқотлари динамикаси муносабатларимиз юқори даражада эканини яққол намоён этмоқда. Хусусан, охириги 3 йил ичида Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари Озарбайжонга 30 га яқин ташрифи амалга оширди, мен эса худди шу даврда қардош мамлакатларга 13 марта бордим.

ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОНДА БЎЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тақлифига биноан Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 14-16 ноябрь кунлари давлат ташрифи билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф дастурига мувофиқ, олий даражадаги музокаралар ҳамда Ўзбекистон ва Қозоғистон етакчилари раислигида Олий давлатлараро кенгашнинг иккинчи йилгилиши ўтказилиши кўзда тутилган.

Кун тартибидagi асосий мавзу — савдо, саноат кооперацияси, транспорт ва логистика, энергетика, кишлоқ хўжалиги, сув ресурслари, маданий-гуманитар лойиҳалар

каби устувор йўналишларда ҳамкорликни чуқурлаштириш.

Минтақавий ва глобал сиёсатнинг долзарб масалалари, кўп томонлама форматлар доирасидаги ҳамкорлик юзасидан фикр алмашилади.

Халқаро саноат кооперацияси маркази ва қатор қўшма лойиҳаларни ишга тушириш, Ўзбекистон — Қозоғистон стратегик

шериклик ҳамда иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлашга қаратилган ҳужжатлар тўпламини имзолаш кўзда тутилган.

Қозоғистон Республикаси Президенти Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг еттинчи Маслаҳат учрашувида ҳам иштирок этади.

ЎЗА

ТЕМИР ЙЎЛ ТАРМОҒИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯ ҚИЛИШ БЎЙИЧА ЛОЙИҲАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёевга темир йўл соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва келгуси йиллар учун режалар тақдирот қилинди.

Темир йўл тармоғида бошланган кенг қўламли трансформация жараёнлари ўзининг ижобий натижаларини бера бошлади. Утган йилни тармоқ илк бор соф фойда билан якунлади, жорий йилнинг биринчи тўққиз ойида соф фойда 800 миллиард сўмдан ошди. Транзит ва йўловчи ташилиш, экспорт ва инвестиция ҳажмлари ўсиб бормоқда.

Тақдиротда бу натижалар билан чекланмай, аҳоли сони ва иқтисодиёт ўсишига мос равишда темир йўл транспорти хизматларининг сифати ҳамда қамровини кенгайтириш, тармоқда харажатларни қисқартиришни давом эттириш зарурлиги таъкидланди.

Хусусан, транспорт ҳисобидан бошлаб, ҳаракат оқимиғача бўлган барча босқичларда сунъий интеллект асосида назорат ўрнатиш орқали харажатларни таҳлил қилиш, йўл қўйилаётган йўқотишларни аниқлаш ва шу асосда таннархни 20 фоизга камайтириш мумкинлиги қайд этилди.

2026-2030 йилларда йўловчи ва юк ташилиш ҳажминини камида икки баробарга ошириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Буни таъминлаш учун 151 километр янги темир йўл қуриш, 182 километр масофадаги йўллари электрлаштириш, шунингдек, 27 та мавжуд станция ва минг километр йўлни

модернизация қилиш режалари ҳақида маълумот берилди.

Жумладан, “Нурафшон — Пскент — Бўқа — Бекобод — Боёвут — Янгйер” ва “Ховос — Даштобод” йўналишларида электрлаштирилган янги темир йўллар қурилади. “Қумқўрғон — Қудуқли”, “Самарқанд — Ургут” ва “Байтқўрғон — Паркент” йўллариини электрлаштириш, “Тошкент — Самарқанд”, “Тўқимачи — Ангрен” ва “Ангрен — Понг” йўллариинг ўтказувчанлик қобилиятини ошириш режалаштирилган.

Республика бўйлаб шаҳарлар атрофида қатнайидиган поездлар ҳаракатини фаоллаштириш мақсадида мавжуд 40 та йўналишга қўшимча яна 15 та янги йўналиш очиш тақлиф қилинди.

Хусусан, “Тошкент — Нурафшон — Оҳангарон — Ангрен”, “Навоий — Зарафшон — Учқудуқ”, “Қўқон — Наманган — Андижон — Марғилон”, “Термиз — Қумқўрғон — Бойсун — Дарбанд”, “Нукус — Шовот — Урганч — Хива”, “Жиззах — Дўстлик — Айдар-Арносай қўли”, “Қарши — Шахрисабз” каби йўналишларда шаҳар атрофи қатновларини йўлга қўйиш орқали аҳолининг кундалик сафарилари учун қулай шароит яратилиши қайд этилди.

Йўналишда юқори тезликда ҳаракатланувчи тармоқни кенгайтириш масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Узунлиги 102 километрик “Навоий — Бухоро” темир йўл линиясини фойдаланишга киритишни жадаллаштириш топширилди. Бу йўлнинг ишга тушиши юк ва йўловчи ташилишда вақт ва харажатларни сезиларли қисқартиришга хизмат қилиши таъкидланди.

Келгуси йилларда янги очиладиган йўналишлар ва қурилаётган йўллар учун локомотив ва вагонлар паркинни кенгайтириш бўйича ҳам режалар баён этилди.

Жумладан, Хитойдан 38 та магистрал локомотив, 50 та манёври ва гибрид манёври локомотив харид қилиш назарда тутилган. Кореянинг “Hyundai Rotem” компанияси билан ҳамкорликда 6 та юқори тезликдаги электропоезд олиб келиб, улардан биринчисини келгуси йилда “Тошкент — Урганч — Хива” йўналишида қатновга қўйиш топширилди. Бу орқали йўналишда йўл вақти ҳозирги 14 соатдан 7,5 соатгача қисқариши кутилмоқда.

Шунингдек, мамлакатимизда 250 та замонавий йўловчи вагонларини қуриш, шаҳарлараро қатнайидиган 23 та электр поездини харид қилиш орқали йўловчиларга шароитлар кенгайтирилади. 10 мингта юк вагонларини

ЎЗА

ТОШКЕНТ МАЪНАВИЙ МАЙДОНИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ОЗАРБАЙЖОННИ БИРЛАШТИРДИ

Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида “Марказий Осиё: умумий маънавий-маърифий мерос — умумий келажақ” мавзусидаги халқаро конгресс иш бошлади.

Ташки ишлар вазири, Ўзбекистон маданият меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича бутунжаҳон жамияти (WOSCU), Фанлар академияси ҳамда Марказий Осиё халқаро институти

ҳамкорлигида ташкил этилган йиғинда 300 га яқин олим ва санъатшунос, таълим соҳаси вакиллари иштирок этмоқда.

ЮНЕСКОНИНГ ТАРИХИЙ САМАРҚАНД ФОРУМИ ЎЗ ИШИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАДИ

Сўнгги 40 йил ичида илк бор ЮНЕСКО Бош қароргоҳидан ташқарида — кўхна ва ҳамиша навқирон Самарқанд заминида бўлиб ўтган юбилей саммитда 180 дан ортиқ давлатдан 4,6 минг вакил иштирок этди. Бу ЮНЕСКО Бош конференцияси сессияларида шу пайтгача энг кўп вакил қатнашган тадбир сифатида ҳам эътироф этилди.

Давоми 5-бетда

Илҳом Алиев: “ЎЗБЕКИСТОН ВА ОЗАРБАЙЖОН ҚАРДОШ МАМЛАКАТЛАР, ИШОНЧЛИ ИТТИФОҚЧИЛАРДИР”

Бошланиши 1-бетда

Қардош Ўзбекистон раҳбари, атоқли давлат арбоби, Озарбайжоннинг яқин дўсти Президент Шавкат Мирзиёевнинг юртимизда қабул қилиш биз учун доим катта шараф ва мамнуният бағишлайди. Қайд этганингиздек, ўтган бир ярим йил давомида бундай таширфлар беш марта юз берди. Буларнинг бари муносабатларимизнинг юқори суръатидан далолат.

Ўтган йил август ойида мен давлат таширфи билан Ўзбекистонда, шу йил июль ойида эса Ўзбекистон Президенти Озарбайжонда бўлди. Ушбу тарихий таширфлар доирасида ўнлаб, жумладан, Стратегик шериклигини янада мустаҳкамлаш тўғрисидаги декларация, Озарбайжон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида 2025-2029 йилларга мўлжалланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномани амалга ошириш бўйича “Йул харитаси” ва бошқа муҳим ҳужжатлар имзоланди. Ўтган қисқа давр мобайнида улкан ишлар бажарилди. Ўзаро таширфларнинг ҳаммаси Озарбайжон — Ўзбекистон муносабатларини барча соҳаларда мустаҳкамлаш, шунингдек, Марказий Осиё ва Каспий минтақасини ўз ичига олган ягона географик маконда шериклиكنинг янги имкониятларини рўёбга чиқаришга кучли туртки берди.

Муносабатларимизни ривожлантириш стратегиясини белгилашда 2023 йил август ойида таъсис этилган Олий давлатлараро кенгаш ҳам алоҳида ўрин тутди. Ўзаро давлат таширфлари доирасида — 2024 йил 22 август кунин Тошкентда ва 2025 йил 2 июлда Бокуда ушбу тузилма йиғилишлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Озарбайжоннинг ҳудудий яхлитлигини доимо қўллаб-қувватлаб келган. Фурсатдан фойдаланиб, қардош Ўзбекистонга Қорабонни тиклаш, хусусан, Фузулийда ҳозир 600 нафарга яқин ўқувчи тахсил олаётган буюқ Ўзбек олимни Мирзо Улугбек номидаги мактаб қурилишига қўшган ҳиссаси учун миннатдорлик билдираман. Ўзбекистон Қорабон минтақасини тиклашда ёрдам кўрсатиш ташаббуси билан чиққан дунёдаги

биринчи давлат бўлди. Биз бунини мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ҳамжиҳатлик, дўстлик, биродарлик ифодаси сифатида доимо ёдда сақлаймиз.

Қардош мамлакатта бўлажак таширфини интизорлик билан кутипман. Ҳар сафар Ўзбекистоннинг жадал ривожланишини, мамлакат халқи эришаётган улкан ютуқларини беҳад мамнунлик билан кузатаман. Кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётгани, жамият ҳаётининг барча соҳалари изчил модернизация қилинаётгани мамлакатнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва мавқеини янада юксалтиришга хизмат қилмоқда. Бу ютуқлар дўстим ва биродарим Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида олиб борилаётган, аниқ мақсадда йўналтирилган ва пухта ўйланган давлат сиёсати самарасидир.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик нафақат икки томонлама форматда, балки халқаро майдонда ҳам муваффақиятли ривожланмоқда. Озарбайжон ва Ўзбекистон Туркий давлатлар ташкилотининг фаол аъзолари ҳисобланиб, туркий бирлигини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бундан ташқари, муносабатларимиз БМТ, Қўшилмаслик ҳаракати, Ислом ҳамкорлик ташкилоти, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, ОХИЧК ва бошқа халқаро тузилмалар доирасида ҳам самарали тус олган.

— Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорлигининг бугунги даражасини қандай баҳолайсиз?

— Савдо-иқтисодий ҳамкорлигининг ҳозирги динамикасида тўлиқ қониқиш мумкин. Ҳар икки томон ўзаро алоқаларни кенгайтириш учун катта ишлар қилмоқда, янги лойиҳаларни, қўшма ташаббуслар илгари суришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бугунги кунда Озарбайжонда Ўзбекистон инвестицияси иштирокидаги 120 га яқин тижорат ташкилоти рўйхатдан ўтган ҳолда, иқтисодийнинг турли тармоқлари, жумладан, саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва хизмат

кўрсатиш соҳаларида муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Озарбайжон ва Ўзбекистон ўртасидаги савдо жадал суръат билан ривожланмоқда. Хусусан, 2024 йил ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 252 миллион долларни ташкил этди, 2025 йил январь-сентябрь ойларида ушбу кўрсаткич ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 87,5 фоиз ўсиб, 319 миллион долларга етди.

Сармоявий ҳамкорлик мустаҳкамланмоқда. Бугунги кунга қадар Ўзбекистон Озарбайжон иқтисодийига 21,8 миллион доллар сармоя киритган, Озарбайжон эса Ўзбекистон иқтисодийига 183,5 миллион доллар инвестиция йўналтирган. 2023 йил умумий капитали 500 миллион долларлик, ҳам мамлакатларимиз ҳудудида, ҳам учинчи давлатларда лойиҳалар амалга оширишни қўзда тутган Озарбайжон — Ўзбекистон қўшма инвестиция компанияси ташкил этилди.

Енгил саноатни ривожлантириш учун янги имкониятлар яратётган, анъанавий дўстлик ва қардошлик риштасини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган Хонкендидаги қўшма корхона — тивувчилик фабрикаси ҳам алоҳида эътиборга лойиқ.

Иқтисодий алоқаларни ривожлантириш орқали шериклигини истиқболли йўналишларини белгилашда Озарбайжон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолиятини эътироф этиш лозим. Мунтазам ўтказиб келинаётган Озарбайжон — Ўзбекистон минтақавий форуми айни йўналишдаги ҳамкорлигини ривожлантириш учун самарали платформага айланди.

Озарбайжон қардош Ўзбекистон билан иқтисодийнинг барча тармоқларида ҳамкорлигини янада кенгайтиришдан манфаатдор. Бунинг учун юксак сиёсий ирода ва улкан салоҳият мавжуд. Бугунги кунга қадар иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш учун ишончли ҳуқуқий асос яратган 200 га яқин ҳужжат имзоланган. Озарбайжон бундан кейин ҳам икки томон манфаатларига

мос келадиган, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва шериклигини мустаҳкамлашга хизмат қиладиган ҳамкорлигини қўллаб-қувватлайди.

— Транспорт, логистика ва энергетика соҳаларида икки томонлама ҳамкорлигининг қандай истиқболларини кўряпсиз?

— Мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлигининг асосий йўналишларидан бири диверсификацияланган транспорт-логистика инфратузилмасини яратиш ва транзит имкониятини кенгайтиришдир. Бу борада мамлакатларимизнинг “Урта йўлак” халқаро транспорт йўлагидagi иштироки алоҳида аҳамиятга эга. Бу жараёнда Озарбайжон Ўзбекистон ва Марказий Осиё мамлакатлари учун муҳим транзит давлат ҳисобланади. Сўнгги йилларда ушбу йўлак орқали экспорт имконияти ва ташув салмоғини ошириш масаласи алоҳида стратегик аҳамият касб этмоқда.

2024 йил мамлакатларимиз ўртасидаги транзит ташув 2023 йилга нисбатан 18 фоиздан кўпроқ ошиб, 1 миллион 300 минг тоннадан ортди. 2025 йилнинг тўққиз ойидаёқ бу кўрсаткич қарийб 1 миллион тоннага етиб, транспорт алмашинуви жадал ўсиб бораётганини кўрсатди.

Озарбайжонда яратилган замонавий транспорт инфратузилмаси, жумладан, савдо флотини, яқин йилларда қуввати 25 миллион тоннага етадиган “Алат” халқаро савдо порти, Боку — Тбилиси — Қарс темир йўли, шунингдек, мамлакатнинг тўққиз халқаро аэропорти глобал транспорт ва логистика маркази сифатидаги ўрнинини мустаҳкамловчи омиллардир. Бундан ташқари, Зангезур йўлига очилиши ҳам Марказий Осиёнинг барча мамлакатларига фойда келтиради.

Шаҳарларимиз ўртасидаги авиапарвозлар муҳим аҳамиятга эга. “AZAL” авиакомпанияси ҳафтаига Боку — Тошкент — Боку йўналишида 7 марта, Боку — Самарқанд — Боку ҳамда Боку — Урганч — Боку йўналишларида 2 мартадан йўловчи рейсларини амалга

оширмоқда. Ўз навбатида, бир ҳафтада “Uzbekistan Airways” авиакомпанияси самолётлари Тошкент — Боку — Тошкент йўналиши бўйлаб 3 марта, “Centrum” компанияси учоқлари эса 2 марта учаяпти.

Энергетика соҳасидаги ҳамкорлик ва “яшил” энергетикани ривожлантириш ҳам устувор йўналишлар бўлиб қолмоқда. “SOCAR” Ўзбекистонга Озарбайжон нефть ва нефть-кимё маҳсулотларини экспорт қилади. 2016 йилдан буюн “Ozlitneftegaz” институту ва “SOCAR NPI Neftgaz” негизидa ташкил этилган “Neftgaztexnologiya” қўшма корхонаси муваффақиятли фаолият юритмоқда.

2024 йил Озарбайжон, Қозоғистон ва Ўзбекистон энергетика тизимларини интеграциялаш ва қайта тикландиган энергия манбаларини ривожлантиришга қаратилган қатор стратегик битим ва меморандумларни имзолади. Бу минтақани барқарор ривожлантириш ва энергетика соҳасидаги ҳамкорлигини мустаҳкамлаш учун янги истиқболлар очади.

— Озарбайжон ва Ўзбекистоннинг маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлиги ҳақида нима дея оласиз?

— Маданий-гуманитар ҳамкорлик мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик ва қардошлигини мустаҳкамлаш, халқлар ўртасидаги тўғридан тўғри мулоқотни кенгайтиришда муҳим роль ўйнайди. Биз умумий тарихий-маданий қадриятларни асраб-авайлаш йўлида бирга одимлаб, барча даражаларда яқин ҳамкорлигини давом эттиряпмиз.

Хусусан, 2023 йил Озарбайжонда Ўзбекистон маданияти кунлари, 2024 йил Ўзбекистон фа ва маданият кунлари ўтказилди. Шу йил Ўзбекистонда Озарбайжон маданияти кунлари, Хива шаҳрида “Шуша кунлари” ташкил этилди. Ушбу тадбирлар халқларимизнинг бой маданий меросини намоеён этиш, ўзаро ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлаш ва бир-биримизнинг маънавий оламинини бойитишга бўлган ақил интилишни акс эттиради.



Носиржон ХАЙДАРОВ олган сурат.

ТОШКЕНТ МАЪНАВИЙ МАЙДОНИ МАРКАЗИЙ ОСИЁ ВА ОЗАРБАЙЖОННИ БИРЛАШТИРДИ

Бошланиши 1-бетда

Дастлаб Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг анжуман иштирокчиларига йўллаган табригини Президент маслаҳатчиси Русланбек Давлетов ўқиб эшиттирди.

Айтиш жоиз, мазкур форум халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус, илмий ва маданий муассасалар вакиллари, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатлари ҳамда Озарбайжондан келган олимлар, санъат арбобларини бирлаштирди.

Тадбирдан қўзланган асосий мақсад минтақа халқлари маънавий ва илмий меросини бирлик, ҳамкорлик, барқарор тараққиёт асоси сифатида таҳлил қилишдир. Шунингдек, бир неча кун давомида давлатларнинг умумий маданий меросини асраш, ўрганиш ва тарғиб этишга қўшаётган ҳиссаси, илм-фан, таълим ва маданиятлараро мулоқотни ривожлантиришга қаратилган халқаро ташаббусларга алоҳида эътибор қаратилади.

Конгресс айнан Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида ўтказилиши рамзий аҳамиятга эга. Бу ноёб мажмуа минтақанинг уч минг йиллик тарихи, Ренессанс давлари ва Янги Ўзбекистон тараққиёти жараёнини мувожазлашган. Мажмуа цивилизация меросини ўрганиш, ёшларни тарбиялаш ва халқаро маданий ҳамкорлигини мустаҳкамлаш майдони бўлиб хизмат қилмоқда.

— Ўзбекистоннинг маданий бойликлари — бутун инсоният мулки, — дейди Ислом цивилизацияси маркази директори Фирдавс Абдулоҳиқов. ЎАА муҳбирига берган интервьюсида. — Биз, тадбир қатнашчилари нафақат ўлкамиз, балки бутун Марказий Осиё ва Озарбайжон маданий

мероси ҳақида, буюқ аجدодларимиз жаҳон цивилизацияси ривожига қандай ҳисса қўшгани ҳусусида гаплашамиз. Ушбу марказни барпо этишда дунёнинг қарийб 40 мамлакатидан келган олимлар ишлади. Бу 800 лойиҳани амалга оширган бир ярим мингта яқин олим, дегани. Бундан ташқари, қурувчи, меймор, дизайнерлар меҳнатини ҳам эътироф этамиз.

Анжуман аввалида марказ музейи билан танишган меҳмонларга мажмуа ҳақидаги ҳужжатли фильм намойиш этилди. Шундан сўнг тадбир Марказий Осиё ва Озарбайжон Маданият вазирликлари, Фанлар академиялари, дин соҳаси вакиллари, миллий музейлар ва кутубхоналар, кино агентликлари, Бадиий академиялар, Ёзувчилар уюшмалари ва Ёшлар ишлари агентликлари раҳбарлари иштирокидаги шўъба йиғилишлари билан давом этди.

— Билимасми, ислом цивилизацияси шунчалик бойки, бу илмни тўлиқ қамраб олиш, тасвирлашнинг имкони йўқдек, — деди Озарбайжон маданият вазири Одил Каримли. — Ислом тарихи буюқ бонлиқ муҳим воқеаларни батафсил ифодалаш учун мислсиз куч, имконият ва савий-ҳаракат керак. Бинобарин, ушбу марказ йўлақлари бўйлаб сайр қиларканмиз, бу масканда улкан ишлар қилинганга гувоҳ бўлдик. Ушбу марказ нафақат минтақа, балки бутун жаҳон ҳамжамияти учун фойдали деб ўйлайман.

Бўлажак муҳокама, мунозаралар Марказий Осиё ва Озарбайжон халқлари ўртасида маънавий ҳамкорлигининг янги саҳифасини очади. Тақдир этилган гоа ва ташаббуслар барқарор тараққиёт, ўзаро ҳурмат ва маънавий юксалиш учун асос бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Ўтқир АЛИМОВ,
ЎАА муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН — ҚОЗОҒИСТОН: ЯНГИ ДАВРДА БИРОДАРЛИК, ЎЗАРО ҲУРМАТ, СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ҲАМДЎСТЛИК

Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 14-16 ноябрь кунлари давлат таширфи билан Ўзбекистонда бўлади.

Икки мамлакат мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб ўзаро ҳурмат, яхши қўшничилик ва умумий стратегик манфаатларга асосланган мустаҳкам алоқалар шаклланди. Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида дипломатик муносабатлар эса 1992 йил 23 ноябрда ўрнатилди.

Сўнгги йилларда амалга оширилган олий даражадаги таширфлар икки томонлама муносабатлар тарихида жуда муҳим воқеаларга айланди. Масалан, 2017 йил 22-23 март кунлари Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга давлат таширфи мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларда мутлақо янги, сифат жиҳатдан юқори босқични бошлаб берди.

Бунга жавобан, Қозоғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев 2019 йил 14-15 апрель кунлари Ўзбекистонга давлат таширфи билан келди. Кейинги йилларда давлат раҳбарлари бир неча бор учрашдилар. Хусусан, Ўзбекистон Президенти 2021 йил 5-6 декабрь кунлари Остонага таширф буюрди. Қозоғистон Президенти эса 2022 йил 21-22 декабрь кунлари таширф билан Тошкентда бўлди. Ўзбекистон Президенти 2024 йил 7-9 август кунлари Қозоғистонга навбатдаги давлат таширфини амалга оширди.

Бундан ташқари, икки давлат раҳбарлари 2023 йил 3 мартда Чимкентда, 2024 йил 5 апрелда Хивада ва шу йил 29 мартда Олмаотада учрашдилар.

2025 йилнинг ўтган даври ҳам икки томон учун самарали бўлди. Қозоғистон Президенти 2025 йил 3-4 апрель кунлари “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” саммитида иштирок этиш учун Самарқандга таширф буюрди, Ўзбекистон Президенти эса май ва июнь ойларида “Марказий Осиё — Италия” ва “Марказий Осиё — Хитой” саммитларида иштирок этиш учун икки марта Остонага таширф буюрди.

2018 йилда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувлари механизми алоҳида аҳамиятга эга. Ушбу платформа минтақавий сиёсатни мувофиқлаштириш учун ноёб майдонга айланди. Бу орқали Ўзбекистон ва Қозоғистон Марказий Осиёда барқарорлик ва барқарор ривожланишни таъминлашга ягона ёндашувини намойиш этаётди.

Минтақавий ташаббусларни биргаликда амалга ошириш ўзаро ишончини мустаҳкамлашга, иқтисодий ва транспорт алоқаларининг самарадорлигини оширишга ҳамда гуманитар алоқаларни чуқурлаштиришга ёрдам беради.

Ташқи ишлар вазирликлари ўртасидаги фаол ҳамкорлик сиёсий мулоқотни мустаҳкамлашнинг муҳим воситасидир. Ўзбекистон ва Қозоғистон ташқи сиёсат идоралари

мунтазам равишда БМТ, МДХ, ШХТ, ИХТ, ТДТ ва бошқа кўп томонлама ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлигини ўз ичига олган икки томонлама ва минтақавий масалалар бўйича сиёсий маслаҳатлашувлар ўтказиб туради.

2023-2025 йилларда Тошкент ва Остона шаҳарларида икки мамлакат ташқи сиёсат идоралари ўртасида мунтазам маслаҳатлашувлар бўлиб ўтди. Уларда томонлар ҳамкорлигини чуқурлаштириш истиқболлари, минтақавий хавфсизлик ва иқтисодий лойиҳаларни жадаллаштириш масалаларини муҳокама қилди.

1997 йилдан буюн Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида Икки томонлама ҳамкорлик бўйича қўшма ҳукуматлараро комиссия фаолият юритмоқда. 2019 йилдан буюн унга икки мамлакат Бош вазирлари ҳамраислик қилиб келмоқда. Халқаро ҳамкорлик кенгашининг энг сўнгги, 22-йиғилиши 2025 йил 22-23 октябрь кунлари Хива шаҳрида бўлиб ўтди.



2021 йилдан буюн Бош вазирлар иштирокида 17 та тадбир, жумладан, ўзаро таширфлар, шунингдек, Ўзбекистон томони ЕОИИ йиғилишлари ва йиллик “Рақамли Олмаота” форумларида қатнашди.

Бундан ташқари, 2018 йилда ҳудудлараро ҳамкорлик механизми — Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳудудлараро форуми ишга туширилди. Тўртинчи форум 2024 йил 20-21 октябрь кунлари Самарқандда ўтказилди, бешинчиси эса 2026 йилда Қозоғистонда ўтказилиши режалаштирилган.

Парламентлараро ҳамкорлик сиёсий мулоқотнинг муҳим тарихий қисмидир. Ўзбекистон Президентининг 2017 йил март ойида Қозоғистонга давлат таширфи давомида икки мамлакат Сенатлари ўртасида Ҳамкорлик меморандуми имзоланди. 2018 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Қозоғистон Парламенти Мажлиси ўртасида худди шундай ҳужжат имзоланди.

2020 йилда Ўзбекистонда Қозоғистон Парламенти билан ҳамкорлик бўйича комиссия тузилди. Қайд этиш жоизки, Қозоғистон парламентининг иккала палатасида ҳам ўзаро ҳамкорлик гуруҳлари фаолият юритмоқда.

2022 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Нуриддин Исмоиловнинг Қозоғистонга таширфи давомида томонлар Парламентлараро ҳамкорлик кенгашини тузиш тўғрисидаги битимни имзоладилар. Шундан буюн қўшма учрашувлар, делегациялар алмашинуви ва халқаро парламент форумларида иштирок этиш мунтазам равишда ўтказиб келинмоқда.

2025 йил 7 апрелда Қозоғистон Парламенти Мажлиси раиси Эрлан Қошанов Парламентлараро иттифокнинг 150-Ассамблеясида иштирок этиш учун Тошкентга таширф буюрди ва Президент Шавкат Мирзиёев томонидан қабул қилинди.

Мамлакатларимиз ҳудудлари ўртасидаги ҳамкорлигини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Исмоилли — Риштон, Шуша — Хива, Ланкаран — Бухоро, Шеки — Қўқор, Биласувар — Термиз, Мингачевир — Наманган, Фузулий — Гулистон, Қуба — Жиззах, Бейлаган — Шахрисабз шаҳарлари ўртасида биродарлик ва шериклик алоқалари ўрнатилди. Худудлараро алоқалар фаоллашуви халқларни яқинлаштириш, тажриба алмашш ва ҳамкорлиكنинг маданий-гуманитар кун тартибини бойитишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликнинг рамзий ифодаси сифатида маданий аҳамиятга эга объектлар мавжуд: Тошкентда Хайдар Алиев майдони бор. Шу йил июль ойида Бокуда “Ўзбекистон” богига тамал тоши қўйилди.

Фурсатдан фойдаланиб, Озарбайжон халқининг умуммиллий етакчиси Хайдар Алиев хотирасига кўрсатилаётган эҳтиром, чин биродарлик муносабати учун Ўзбекистон раҳбарияти ва бутун қардош ўзбек халқига миннатдорлик билдирмоқчиман.

Спорт соҳасидаги ҳамкорликда ҳам яхши натижаларга эришилмоқда. Икки давлатнинг биргалиқдаги савий-ҳаракатлари натижасида ФИФА Ижроия қўмитаси 2027 йил бўлиб ўтадиган U-20 Жаҳон чемпионати финал босқичини Озарбайжон ва Ўзбекистонда ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу Европа ва Осиёни бирлаштирадиган умумий тарихий ютуғимиздир.

Оммавий ахборот воситалари ва нодавлат ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорлик ҳам самарали ривожланмоқда. 2024 йил 23-25 сентябрь кунлари Тошкентда биринчи Ўзбекистон — Озарбайжон медиафоруми, жорий йил 29 сентябрда Бокуда иккинчи Озарбайжон — Ўзбекистон медиафоруми бўлиб ўтди. Бундан ташқари, 2024 йил декабрь ойида Тошкентда илк бор Ўзбекистон ва Озарбайжон нодавлат ташкилотлари форуми ташкил этилди.

Мазкур тадбирлар ва амалга оширилган лойиҳаларнинг барчаси Озарбайжон ва Ўзбекистоннинг маданий-гуманитар соҳадаги мустаҳкам қардошлик алоқаларини яққол намоеён этиб, халқларимиз ўртасидаги дўстлигини мустаҳкамлаш, маънавий ва маданий ҳамкорлигини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

— Жаноб Президент, ушбу мазмунли суҳбат учун тизиги ш жадаллаштирадиган вақт ажратганингиз учун раҳмат.

— Ўзбек халқининг Озарбайжон — Ўзбекистон муносабатлари ва умуман, минтақада рўй бераётган жараёнларга қизиқиши тобора ортиб бораётгани менга катта мамнуният бағишлайди. Асрлар давомида қардош халқларимиз ва мамлакатларимизни боғлаб келган дўстлик ва ҳамкорлик ришталари бардавом бўлсин.

ЎАА

“Дунё” АА



Мақолалари ўқиб чикарканман, тафаккуримда яна бир фикр булогли кўз очилди: минтақа ҳозир ўзининг янги ўзлигини топтипти. Бу ўзлик тарихдан, маданий илди-зиллардан куч олган ҳолда шаклланибди. Яқинлик ҳисси энди фақат географик жойлашувдан эмас, балки умумий манфаатлардан келиб чиқмоқда. Бу умумийлик ёшларни ҳам бир-бирига яқинлашти-ради. Бугун ўзини қозоқ, қирғиз, тоjik ва туркман тенгдошлари билан бемалол бир савда, ягона умумий ўлғ атрофиди тасаввур қила оладиган авлод улаймоқда. Бу — минтақанинг энг катта ютуғи. Де-мак, Марказий Осиёда янги кунда янгича кайфият ҳукмрон ва у реал ҳаракатлар, натижалар билан ўзини намоён этмоқда. Ҳеч иккиланмай айта оламизки, маъзуру муваффақиятлар ортида минтақа давлат-лари раҳбарларининг тинимсиз саъй-ха-ракати, ҳусусан, Президентимиз феноме-ни тургани шубҳасиз.



Халқаро ҳамкорлик

ТУРКІЙ ДУНЁНИНГ ЯҒОНА ТРАНСПОРТ МАКОНИ



УШБУ МАҚОЛАНИ
ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА
ҲАМ ЎҚИШ УЧУН
QR-КОДНИ СКАНЕР
ҚИЛИНГ!



Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Глобллашув жараёнида транспорт-логистика соҳасини ривожлантиришнинг аҳамияти тобора ортиб бормокда. Чунки қулай инфратузилма юкларни етказиб бериш жараёнида харажатларни камайтириш ва сифатли хизмат кўрсатишга ёрдам беради. Шу боис, мамлакатимизда ушбу тизимда кенг қўланиш имлохотлар амалга оширилмокда.

Экспертларнинг таъкидлашича, самарали транспорт тизими бугунги рақобат кучайган шароитда иқтисодий ривожланишнинг муҳим омилдир. Минтақаларо савдо ва интеграция жараёни кенгайиб борар экан, транспорт инфратузилмаси давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг асосий таянчига айланмокда.

Европа ва Осиё ўртасида жойлашган туркий мамлакатлар бу жараёнда алоҳида ўрин тутиб, Туркий давлатлар ташкилоти (ТДТ) доирасида ягона транспорт маконини шакллантириш йўлида фаол ҳамкорликни кучайтирмокда. Зеро, Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб ўртасидаги муҳим савдо чорраҳасида жойлашган минтақа ривожланиш учун улкан салоҳиятга эга. Ташкилотга аъзо давлатлар аҳолиси 175 миллион кишини, ҳудуди эса 4,5 миллион квадрат километри ташкил этади.

Ўзбекистон ташкилотга аъзо бўлган кундан бошлаб ҳамкор давлатлар амалга ошираётган муҳим лойиҳаларга шерик бўлди ва айнан транспорт-логистика соҳасидаги ташаббусларни тўлиқ қўллаб-қувватлади.

ТДТ доирасида бир қанча муҳим транспорт йўналишлари мавжуд. Улар ўзаро боғлиқлик ва иқтисодий шерикликни таъминлайди. Шу билан бирга, айнан Ўрта йўлак транзитни оптималлаштириш ва минтақавий ҳамкорликни кучайтириш бўйича катта имкониятларга эга бўлгани учун алоҳида эътиборда турибди.

Ўрта йўлакни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар ечими

Жаҳон банки таҳлилига кўра, 2030 йилга бориб Ўрта йўлак бўйлаб ташувлар ҳажми уч баробар ортиб, йилига 11 миллион тоннага етади. “Туркий дунё нигоҳи — 2040” стратегик ҳужжатига Ўрта йўлакни ривожлантириш Шарқ ва Ғарб ўртасида энг қисқа ва хавфсиз транспорт йўлини яратиш ҳамда туркий давлатларнинг халқаро логистика занжирига боғланишига қаратилган устувор вазифа сифатида мустаҳкамланган.

Мазкур лойиҳанинг муҳим жиҳатларидан бири “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли қурилишидир. 2024 йил декабрда Жалолободда транзит масофаларни анча қисқартирадиган ва йилига 15 миллион тонна юк ташиш имконини берадиган бу муҳим инфратузилмага тамал тоши қўйилган. Шу тарихий воқеа минтақада иқтисодий интеграцияни кучайтириш ва уч мамлакат ўртасидаги транспорт алоқасини яхшилашга қаратилган энг йирик инфратузилма лойиҳаларидан бири. Натияжада Хитойдан Европа мамлакатларига юкларни етказиб бериш масофаси бир неча минг километрга, муддати эса қарийб бир ҳафтага қисқаради. Келажақда ушбу темир йўл тармоғи ва Трансафғон йўлининг туташтирилиши Хитой, Марказий ва Жанубий Осиёнинг транспорт-коммуникациясини самарали боғлаш ва мустаҳкамлаш имконини беради.

Сўнги йилларда геосиёсий кескинлик кучайиши туфайли Транскаспий халқаро транспорт йўлига бутун дунё ҳамжамиятининг

диққат марказида турибди. Юк ташиш ҳажми ошишига қарамай, мувофиқлаштирилган ҳолда ҳал этилиши зарур бўлган муаммолар мавжуд.

Улардан бири Каспий денгизининг саёзлашишидир. Натижада кемаларга юк ортиш атиги 65 фойзни ташкил этади. Каспий денгизи портларидаги навбат 30 кунга чўзилади. Ноқулай об-ҳаво шароити туфайли кемалар йил давомида 40 кунгача қатнамайди. Мазкур масалалар қўшма ечим ва ёндашувлар ишлаб чиқишни талаб қилади.

Президентимиз 2023 йил июнда Қирғизистонда бўлиб ўтган “Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” етакчиларининг учрашувида минтақамиз ва кўхна қитъанинг транспорт-коммуникация алоқаларини ривожлантириш, энг аввало, Ўрта йўлакни шакллантириш йўли орқали мамлакатларнинг савб-ҳаракатларини бирлаштириш муҳимлигини таъкидлаган эди.

Глобал логистика занжирлари ва транспорт йўлакларини ривожлантириш ҳамда диверсификация қилиш, ягона транзит тармоғини шакллантириш масалалари долзарб аҳамиятга эга. Давлатимиз раҳбарининг Темир йўл идоралари кенгашини таъсис этиш ва бу тузилманинг дирекциясини юртимизда жойлаштириш ташаббуси Ўзбекистоннинг ягона интеграциялашган транспорт тизимини жорий этиш мақсадини яққол намоён этади.

2024 йили темир йўл маъмуриятлари раҳбарларининг Бокуда бўлиб ўтган учрашуви якунида ушбу йўналишни кенгайтириш бўйича мувофиқлаштирувчи қўмита тузилди ҳамда транзит контейнер поездларини йўлга қўйиш бўйича масъул логистика компаниялари белгиланди.

Темир йўлда контейнер ташувлари билан бир қаторда вагонларда юк ташиш учун ҳам



шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи йиғилиши якунида Анқара декларацияси имзоланди ва унинг доирасида транспорт соҳасига оид қатор қилишувларга эришилди.

Юк ташуви ҳажмини ошириш ва транспорт харажатларини камайтириш бўйича туркий давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида тадбиркорлик субъектлари иштирокидаги Логистика марказлари ва юк ташувчилар альянси ташкил этилди. Альянс ТДТ доирасида транспорт-логистика соҳасидаги тадбиркорлар ва ташувчиларни бир жойда жамлаб, ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилади.

Бугун Ўзбекистон тартиб-таомиллари соддалаштириш, юк ташуви жараёни ва ҳужжатларини рақамлаштириш ҳисобига автомобиль транспортида ташув хизматини

боғловчи транспорт йўлакларини ривожлантириш бўйича ташаббуслар фаол илгари суриллаётгани алоҳида эътироф этилди.

Ўзбекистон Республикасининг транспорт-логистика тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси чуқур ислохотлар учун “йўл харита”си бўлиб хизмат қилмокда. У барқарор, рақобатбардош ва ўзаро боғланган транспорт экотизимини яратишга қаратилган. Унда асосий темир йўл йўналишлари ва халқаро ташувлар ҳажмини ошириш, мультимодал схемаларни жорий этиш устувор аҳамиятга эга.

Ташкилот доирасида транспорт соҳасидаги ҳамкорлик изчил ва жадал ривожланмокда. Бу йўналишда олиё даражадаги учрашувлар билан бир қаторда транспорт вазирларининг мунтазам йиғилишлари ўтказилиб, ўзаро ало-

қа “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли Марказий ва Жанубий Осиёни боғловчи энг қисқа минтақавий йўлак бўлса, истиқболдаги Трансафғон йўлаги Марказий Осиё мамлакатларининг Покистон портлари орқали Ҳинд океанига тўғридан тўғри чиқишига имкон беради ва минтақанинг транзит салоҳиятини сезиларли даражада оширади.

Келгусида ушбу икки йўналиш Транскаспий халқаро транспорт йўлагининг таркибий қисмига айланиб, Хитойдан Европагача узлуксиз мультимодал йўлакни шакллантиради.

Транскаспий йўлагининг муҳим қисми бўлган туркий давлатларни боғловчи Зангезур йўлаги бўйича қилишувларга эришилгани минтақа учун стратегик аҳамиятга эга. Мазкур лойиҳа Туркия, Озарбайжон, Марказий Осиё мамлакатлари ва Кавказ ўртасидаги транспорт алоқаларини яхшилаш, ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлашга замин яратади.

Халқаро аралаш юк ташувлари тўғрисидаги қелишув, Туркий давлатлар транспорт боғлиқлиги дастури, Электрон рухсатномалар тизимидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳамкорлик меморандуми каби ҳужжатлар қабул қилинганга ўзаро алоқаларни янада мустаҳкамлайди.

Шу билан бирга, ташкилотнинг қардош портлар ва Логистика марказлари ва юк ташувчилар альянси платформаси доирасида бизнес вакилларининг учрашувлари мунтазам ўтказилиб, ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинмокда.

Бугун Ўзбекистоннинг Транскаспий халқаро транспорт йўлаги бўйлаб минтақаларо юк ташувлари ҳажми барқарор ўсмокда. 2024 йил давомида мазкур йўналишда юк ташувлари ҳажми 1,1 миллион тоннани ташкил этиб, 26 фойз қўлайган бўлса, жорий йилнинг 9 ой якунларига кўра, ушбу кўрсаткич яна 6 фойз ўсиб, 945 минг тоннани ташкил этди.

Жорий йилнинг 9 ойи якунларига кўра, Ўзбекистоннинг Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар билан ўзаро юк ташувларининг умумий ҳажми 22,2 миллион тоннага етди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 9 фойз кўп.

Халқаро мультимодал ва транзит ташувлар ҳажмини янада ошириш мақсадида Ўзбек бизнеси вакиллари томонидан Каспий денгизига фойдаланиш учун кемаларни сотиб олиш имконияти ўрганилмокда. Ушбу соҳада ҳамкор мамлакатлар билан денгиз орқали ташув, кемасозлик ва малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича тегишли ҳамкорлик битимлари имзоланган.

Шунингдек, ҳозир ҳамкор давлатлар билан e-CMR электрон юк ҳужжатлари асосида пилот ташувларни амалга ошириш масаласи кўриб чиқилмокда.

Рақамли технологияларни жорий этишда ТДТ таърибаси

XXI асрда транспорт фақат жисмоний инфратузилма бўлмай қолди. Рельслар, асфальт ва терминаллар ортида рақамли платформалар, алгоритмлар ва ахборот алоқалари турибди.

Юк оқимининг ўз вақтида етиб бориши, савдонинг барқарорлиги, пировардида бутун минтақанинг рақобатбардошлиги ушбу қадимидир.

Президентимиз жорий йил 7 октябрь кунни Габала шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти саммитида таъкидлаганидек, транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқликни мустаҳкамлаш ва халқаро транзит йўлакларини биргаликда ривожлантириш туркий давлатлар ҳамкорлигининг энг муҳим йўналишларидан.

Давлатимиз раҳбари минтақадаги ўзаро боғлиқликни таъминловчи стратегик йўналишлар сифатида ҳозир қуриллаётган “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўли ва истиқболли Трансафғон йўлагини белгилаб, уларни Ўрта (Транскаспий) йўлакка боғлаш орқали минтақамизда кўп тармоқли, стратегик магистраллар тизимини яратиш зарурлигини таъкидлаган эди.

Глобал миқёсда логистика соҳасини рақамлаштириш улкан фойда келтиради. Жаҳон банки маълумотларига кўра,

у божхона расмийлаштируви вақтини 50 фойз қисқартириши ва етказиб бериш занжирини самарадорлигини 15-20 фойз ошириши мумкин.

McKinsey Global Institute ташкилотининг 2024 йилги ҳисоботида транспортда рақамли технологиялардан олинидиган қўшимча қиймат миллионлаб иш ўринлари яратишга хизмат қилиши баробарида йилига 2,5 триллион доллар даромад келтириши қайд этилган.

“e-Permit”, “e-TIR”, “Ягона дарча” тизимлари ва “Digital Trade Corridor” каби воститалар аллақачон харажатларни 20-30 фойз камайтирмокда ва Евроосиё маконидagi мамлакатлар учун янги имкониятлар очиб, транзитни тезлаштирмокда.

ТДТда рақамлаштириш жараёни Ўзбекистон 2019 йилда ташкилотга қўшилиши билан бошланган ва минтақавий ҳамкорликда янги саҳифа очган. Аслида, транспорт соҳасига рақамли воститаларни кенг миқёсда жорий этиш мақсадида Ўзбекистонда халқаро юк ташиш тизимини рақамлаштириш бўйича ишлар тизимли, босқичма-босқич бажарилмокда. Дастлаб ТДТ транспорт вазирларининг 2022 йил 28 октябрь кунини Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган йиғилиши доирасида Ўзбекистон Республикасининг Транспорт вазирлиги ва Туркия Транспорт ва инфратузилма вазирлиги ўртасида рухсатнома бланкаларини электрон алмашиши (e-Permit) тизими ишга туширилди.

2022 йил декабрда Ўзбекистон ва Озарбайжон ўртасида халқаро юк ташувлари тўғрисидаги конвенцияга мувофиқ, e-TIR тизимидан фойдаланган ҳолда дунёдаги биринчи ташув амалга оширилди. 2024 йилда Қозғистон ва жорий йилдан бошлаб Озарбайжон билан “e-Permit” технологиясини тўлиқ жорий этишга эришилди.

Мамлакат ичкарисида рақамли экотизим ҳам жадал ривожланмокда. Транспорт соҳасида аини пайтга қадар 30 дан ортиқ ахборот тизими ва платформалари ишлаб чиқилган. Хусусан, Ягона интерактив давлат хизматлари портали ва электрон лицензиялаш тизими орқали соҳадаги 10 дан ортиқ давлат хизмати тўлиқ электрон шаклда кўрсатилмокда.

Бундан ташқари, республикамиз орқали транзит ўтаётган хавфли тоифадаги юкларни ташушга рухсатнома бланкаларини электрон расмийлаштириш ва бериш бўйича “Хавфли юк” ахборот тизими иш бошлади.

Юртимизга парвозларни амалга оширишда хорижий авиакомпанияларнинг парвозлар жадвалини электрон тарзда қилишнинг назарда тутуви “Р шакли” ахборот тизими ишлаб чиқилди.

Жамоат транспортларида йўловчи ташиш сифатини ошириш, автобуслар ҳаракатини реал вақт режимида мониторинг қилиш, ташувчилар фаолиятида босиб ўтилган масофа ва сифат мезонлари устуворлигини таъминлаш, жамоат хавфсизлигини ошириш мақсадида автоматлаштирилган диспетчерлик тизими жорий этилди.

Марказий шаҳарларда жамоат транспортларида йўл ҳақини тўлашнинг автоматлаштирилган тизими ишга туширилди. Барча транспорт турларида чипталарни масофадан туриб харид қилиш учун платформалар мавжуд.

Умуман олганда, ТДТ мамлакатларида транспортни рақамлаштириш аллақачон экспериментал босқичдан тўлиқ экотизимни шакллантириш жараёнига ўтди. Электрон юк хатларидан тортиб, “ақли портлар”гача — барчаси нафақат технологик инновациялар,



алоқаларнинг изчиллиги ва шаффофлигига боғлиқ.

Туркий давлатлар ташкилотига аъзо мамлакатлар учун транспортнинг рақамли трансформацияси нафақат технологик тренд, балки интеграциянинг стратегик йўналишига айланди. Бугун бу жараён амалий даражага кўтарилмокда.

Глобал миқёсда логистика соҳасини рақамлаштириш улкан фойда келтиради. Жаҳон банки маълумотларига кўра,

балки минтақанинг янги иқтисодий боғлиқлиги пайдеворидир. Бир пайтлар туркий давлатлари карвон йўллари боғланган бўлса, энди уларни келажақнинг рақамли йўналишлари бириштирилмокда.

Қисқаси, мазкур форум мультимодал ташувлар, рақамлаштириш ва логистика инфратузилмасини ривожлантириш, янги қўшма лойиҳаларни амалга ошириш ва мавжуд муаммоларни ҳал этишда муҳим платформа бўлиб хизмат қилади.

Музаффар КОМИЛОВ,
Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси ректори,
халқаро ICESCO ташкилоти ижройи кенгаши аъзоси

Бугунги кунда Ўзбекистон очиклик ва халқаро ҳамкорлик сиёсатини изчил давом эттирар экан, дунё миқёсидаги етакчи давлатлар ва минтақалар билан амалий мулоқотни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Президентимиз ташаббуси билан стратегик шериклик алоқалари янги мазмун касб этиб, иқтисодий, инвестициявий ва маънавий соҳаларда янги йўналишлар очилмоқда.

Шу йўналишдаги муҳим қадамлардан бири сифатида давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг АҚШнинг Юта штатидаги Исо Масих Оқирғи замон авлиёлари черкови раҳбари, оқсоқол Дэвид Беднар ва “Stirling” халқаро хайрия фонди раиси Майлс Хансендан иборат ишбилармонлар делегациясини қабул қилиши ҳам катта аҳамият касб этди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон — АҚШ стратегик шериклик муносабатлари изчил ривожланиб бораётгани таъкидланди. Шу жараёнда Юта штати билан савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш, рақамлаштириш, таълим ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида қўшма лойиҳаларни амалга ошириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Шунингдек, инновациялар, тоғ-кон саноати, хотин-қизлар тадбиркорлиги, инклюзив таълим, соғлиқни сақлаш, сув таъминоти ва санитария каби йўналишларда ҳамкорлик учун катта салоҳият мавжудлиги қайд этилди. Учрашув якунида ҳудудлараро алоқаларни янада ривожлантириш мақсадида Юта штати губернатори бошчилигидаги делегациянинг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш бўйича келишувга эришилди.

Мазкур жараёнлар нафақат иқтисодий ва сиёсий соҳаларни, балки жамият барқарорлиги ва маънавий муҳит уйғунлигини таъминлаш борасидаги илгор тажрибаларни ўрганиш имконини ҳам яратмоқда. Чунки Юта штати бугунги кунда иқтисодий ўсish суръатлари, ижтимоий барқарорлик ва маънавий муҳит уйғунлиги билан ажралиб турадиган ҳудуд сифатида тан олинган.

Бу шарт турли халқаро рейтинглар ва таҳлил марказлари маълумотларида АҚШдаги энг барқарор, ижтимоий жиҳатдан тараққий этган ҳудудлардан бири экани айтилди.

Жумладан, Utah Foundation маълумотларига кўра, 2021 йилда Юта “Ижтимоий капитал индекси” бўйича АҚШнинг ТОП-10 штати қаторига кирган. Ушбу кўрсаткич аҳоли ўрта-сидаги ишонч, иқтисодий барқарорлик, оилавий муносабатлар мустаҳкамлиги, ҳамжиҳатлик ва жамоат ҳаётидаги фаоллик даражасини акс эттиради.

Штатнинг иқтисодий ривожланиши ҳам барқарор йўналишда кечмоқда. U.S. Census Bureau ва Gardner Policy Institute маълумотларига кўра, Юта иқтисодиёти сўнгги йилларда мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори суръатларда ўсган.

2024 йилда ялпи ички маҳсулотнинг реал ўсиши АҚШ миқёсидаги кўрсаткичлардан юқори бўлди. Шу билан бирга, 2010-2020 йилларда аҳоли сон 18 фоиз кўпайиб, Юта Америкадаги энг тез ўсувчи штатлардан бирига айланди. Бу Ютадаги аҳоли турмуш тарзи ижобий экани, оилалар шароити узлуksиз равишда яхшиланиб бораётганини кўрсатади.

Аҳолисининг таълим даражаси юқори: 25-64 ёшдаги фуқароларнинг 80 фоиздан ортиғи олий ёки ўрта махсус маълумотга эга. Шунга кўра айтиш мумкинки, штат иқтисодиётида юқори малакали кадрлар улуши катта. Бу ҳол штатни илм ва олимлар экспорт қилувчи ҳудудга айлантирган.

Демографик жиҳатдан Юта АҚШ миқёсида алоҳида ўринга эга. 2024 йилги маълумотларга кўра, аҳолининг ўртача ёши 32,4 бўлиб, бу мамлакатдаги энг ёш демографик кўрсаткич ҳисобланади (миллий ўртача ёш — 39,1). Ёш авлоднинг катта улуши иқтисодий фаоллик,

инновацион салоҳият ва меҳнат бозорининг барқарор ривожланишига замин яратади.

Utah Foundation тадқиқотларига кўра, штат аҳолиси орасида ижтимоий ишонч, оилаларнинг турмуш даражаси ва жамоат фаоллиги юқори даражада. Бу омиллар Ютани нафақат иқтисодий, балки маънавий жиҳатдан ҳам АҚШдаги энг намунавий штатлардан бирига айлантирган.

Бу ерда жамият ҳаётидаги барқарорлик ва бирдамликни таъминловчи асосий кучлардан бири диндир. Дин фақат ибодат, урф-одатлар эмас. Аксинча, у инсоннинг ҳаёт тарзи, жамиятдаги муносабатлар ва маънавий муҳитнинг муҳим қисмидир. Диний қадриятлар маҳаллий урф-одат ва қадриятларга уйғун ҳолда одамларни бирлаштиради, ўзаро ёрдам ва масъулият туйғусини мустаҳкамлайди.

Шу жиҳатдан Юта тажрибаси жаҳон миқёсида ҳам қизиқish уйғотади: иқтисодий ютуқлар маънавий-ахлоқий устуворлик билан уйғун ҳолда намоён бўлаётган жамиятда барқарорлик ва фаровонлик табиий ҳолга айланади.

Штат кўп жиҳатдан бошқа ҳудудлардан фарқ қилади. Бу ерда жамият ҳаётида диннинг тутган ўрни, ижтимоий муносабатларга таъсири ва аҳолининг бирдамлик руҳини мустаҳкамлашдаги аҳамияти алоҳида эътирофга лойиқ. Штатдаги диний ташкилотлар аҳолининг ибодат жойи бўлиши баробарида муҳим маънавий ва ижтимоий марказ вазифасини ҳам бажаради. Улар жамият ҳаётининг деярли барча соҳаларида фаол иштирок этади.

Шу тариқа диний ташкилотлар фаолиятида жамият эҳтиёжлари марказий ўринни эгаллайди ва одамларнинг ҳаётидаги

муаммоларни енгилаштириш, уларни мустақил ҳамада масъул шахс сифатида тарбиялашни мақсад қилади.

Юта жамиятида оила алоҳида аҳамиятга эга. Шунинг учун штатда ота-оналар учун тарбиявий курслар, никоҳ ва оилавий муносабатлар бўйича маслаҳат дастурлари, болалар ва ўсмирлар учун таълим ва ахлоқий тарбия бўйича машғулотлар ташкил этиш тизимли йўлга қўйилган.

Махсус дастурлар орқали ёшларнинг меҳнатга, жамоат ишларига, илм ва маданиятга қизиқishi кучайтирилади. Натижада улар нафақат бошқаларга ёрдам бериш, балки

тириш ва аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган. Бунда асосий ғоя “**меҳнат орқали инсонни мустақил ҳаётга қайтариш**”дир.

Айни шу тажриба давлат ва дин ўртасидаги муносабатларда мувозанат ва ўзаро ҳурмат тамойилларининг мукамал намунаси-дир. Бу штатда давлат ва диний ташкилотлар ўртасида аниқ чегара мавжуд бўлса-да, улар бир-бирининг вазифасига аралашмай, бир мақсад — инсон фаровонлиги ва жамият барқарорлиги йўлида ҳамкорлик қилади. Бу ҳамкорлик асосида бир муҳим ҳақиқат ётади: **дин ва давлат рақиб эмас, балки инсон учун хизмат қиладиган икки қанотдир.**

ҳам бажармоқда. Бу марказларда диний билimler замонавий илмий усуллар билан уйғунлаштирилиб, инсонни дунёвий ва маънавий жиҳатдан етук шахс сифатида тарбиялаш мақсад қилинган.

Президентимиз бундай деган эди: “**Бугун биз динимизнинг асл инсонпарварлик моҳиятини, унинг маърифат ва меҳр-шафқатта асосланганини ёшларимиз онгига сингдирishимиз керак. Бу — келажакимиз учун энг муҳим вазифадир**”. Демак, Ўзбекистонда динга фақат ибодат сифатида эмас, балки маърифат ва тарбия тизимининг муҳим бўғини ўлароқ қаралмоқда.



масъулият ва ҳамжиҳатлик туйғусини ҳам ўрганади.

Ижтимоий дастурлар фуқароларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, камбағалликка қарши кескин курашиш, таълимни ривожлан-

Юта тажрибаси ва Ўзбекистоннинг сўнгги йиллардаги йўли бир-биридан жуда узоқ масофада жойлашган икки жамиятда бир умумий ҳақиқатни тасдиқлайди, **дин фақат ибодат эмас, балки маърифат, инсонпарварлик ва жамият барқарорлигининг асосидир.**

Иккаласи ҳам турли тарихий ва маданий муҳитда шаклланган бўлса-да, уларни бирлаштириб турадиган ягона жиҳат **диннинг ижтимоий ҳаётдаги ижобий ролига бўлган чуқур ишончдир.**

Кейинги саккиз йилда Ўзбекистонда дин ва жамият уйғунлигига қаратилган кенг қўлламли ишloхотлар амалга оширилди. Президентимиз ташаббуси билан динни давлатдан ажратиш тамойили сақланган ҳолда, унинг ибодат жойи бўлиши баробарида муҳим маънавий ва маърифий ҳаётдаги ўрни қайта баҳоланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19 июнь куни диний соҳа вакиллари билан учрашувда айтган “**Дин маърифат ва эзгулик манбаи бўлиши керак**”, деган фикри мазкур сиёсатнинг маънавий йўналишини, тарихий асосини белгилар берди. Бу сўзлар мамлакатдаги барча диний ташкилотлар, илмий марказлар ва жамият аъзолари учун муҳим дастуриламал бўлди. Президентимиз таъкидлаганидек, “динни сиёсатдан узоқ, лекин жамиятнинг маънавий-ахлоқий тарбиясига яқин ҳолда” қўллаб-қувватлаш зарур. Шу асосда диний соҳага оид давлат сиёсатида янги босқич бошланди — у диний таълим, илм-фан ва маданият уйғунлигини таъминлашга қаратилди.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда ташкил этилган Ислам цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд илмий марказлари каби муассасалар нафақат диний билимларни тарғиб қилмоқда, балки улар орқали миллатнинг маънавий ўзлгини мустаҳкамлаш вазифаси

Юта тажрибасидаги каби Ўзбекистонда ҳам давлат дин ишларига аралашмайди, аммо унинг жамиятдаги ижобий таъсирини қўллаб-қувватлайди.

Шу ўринда мазкур ёндашув Абу Мансур Мотуридий ва Абу Муин Насафий сингари буюк мутакаллим аждодларимиз илгари сурган ғояларга ҳамоҳанг эканини қайд этиш зарур. Зеро, уларнинг наздида ҳам ҳар қандай дин, диний таълимот мавжуд қонунийликка қатъий, оғишмай амал қилиши лозим.

Ўзбекистоннинг узоқни кўзлаган бу сиёсати самараси сифатида мамлакатда диний эркинлик ва бағрикенглик муҳити мустаҳкамланди. Бугун юртимизда турли мазҳаб ва дин вакиллари тинч-тотув яшамоқда, диний ташкилотлар жамият билан ҳамкорликда турли соҳалар ривожига ҳисса қўшмоқда.

Шу билан бирга, давлат органлари диний ташкилотлар билан ижтимоий соҳаларда ҳамкорликни кучайтирмоқда. Масалан, ёшлар тарбияси, оилавий муносабатлар, жамиятда бағрикенглик маданиятини шакллантириш каби йўналишлар ушбу ҳамкорликнинг муҳим жиҳатларини ўзида намоён қилади.

Юта жамиятида дин одамни фақат ибодатга эмас, балки жамоага хизмат қилишга чорлайди. Ўзбекистонда ҳам бу йўналишдаги ғоялар тобора мустаҳкамланмоқда. Президентимиз бу ҳақда: “**Биз халқимизнинг асрий дини бўлган исломнинг ҳақиқий моҳиятини — унинг бағрикенглик, тинчлик, меҳр-оқибат ва илмга даъват этувчи асосий тамойилларини янада чуқур англаб, ҳаётимизга татбиқ этишимиз керак**”, деган эди.

Юта ва Ўзбекистон йўлларини таққослаганда, уларнинг умумий нуктаси **динни жамиятни бирлаштирувчи, маънавий соғлом муҳит яратувчи куч сифатида англаш** эканини кўриш мумкин.

Ютада диний ташкилотлар таълим тизими билан ҳамкорликда фаолият юритади. Масалан, университетларда диншунослик, ахлоқшунослик ва ижтимоий фалсафа соҳалари ривожланган, кўнгиллилик маданияти таълимнинг ажралмас қисмига айланган.

Юртимизда эса диний-маърифий таълим тизими янги босқичга кўтарилди. Ўзбекистон халқаро исломшунослик академияси ва Ўзбекистон мусулмонлари идораси тизимидаги олий ва ўрта махсус диний таълим муассасаларида ёшлар нафақат дин илмини, балки замонавий фанларни ҳам чуқур ўзлаштирмоқда. Бу жараён илм ва дин уйғунлигини таъминлаб, жамиятда фикр ва эътиқод эркинлигини мустаҳкамлайди.

Иккала тажрибада ҳам диннинг диққат марказида ҳазрати инсон туради. Дин инсонни эзгуликка ундайди, жамиятни ҳамжиҳатликка етаклайди, давлатга эса маънавий барқарорликни таъминлашда ёрдам беради.

Ўзбекистонда бу йўналиш “Янги Ўзбекистон” ҳамда “Жаҳолатга қарши маърифат” эзгу ва улугвор ғоялари билан узвий боғланган.

Президентимиз таъкидлаганидек: “**Янги Ўзбекистон бу — аввало, эзгулик, бағрикенглик ва меҳр-шафқат этувчи бўлган жамиятдир**”. Бу ғоя Юта тажрибасидаги асосий тамойил — дин ва жамият уйғунлиги орқали маънавий барқарорликни таъминлаш билан ҳамоҳангдир.

Дунё турли маданият ва динларга мансуб бўлса-да, уларни бирлаштириб турадиган умумий қадриятлар бор. Юта ва Ўзбекистон тажрибалари кўрсатадики, **дин тўғри йўналтирилганда маърифат, инсонпарварлик ва жамият барқарорлигининг асосий манбаи бўлади.**

Икки жамиятнинг ўхшаш жиҳати шундаки, уларда дин сиёсат қуролига айланмаган, балки маънавият манбаи сифатида қадрланган.

Бу фикр бугунги глобал дунёда ҳам долзарб, дин бўлувчи эмас, **бирлаштирувчи куч**, у инсонни эзгуликка, жамиятни эса барқарорликка етаклайди. Юта ва Ўзбекистон тажрибаси шу ҳақиқатнинг икки томонлама исботидир.

Мазкур моделда дин шахсий ишончни кучайтириш билан бирга инсонни жамоат ишлари, бир-бирига ёрдам қилиш чўзиш ва масъулият билан яшашга чорлайди. Бу — ҳар қандай жамият учун муҳим тамойил.

Биринчидан, дин ижтимоий масъулиятни кучайтиради. Юта тажрибасида диний ташкилотлар фаолияти жамоатчилик онгини тарбиялашда бекиёс аҳамият касб этади. Бундай тизим одамларда бир-бирига нисбатан меҳр, ҳурмат ва масъулият ҳиссини мустаҳкамлайди. Шу тариқа дин инсонни фақат ибодатга эмас, балки инсонпарварликка, яъни бошқаларнинг ҳаётига ижобий таъсир кўрсатишга ундайди.

Иккинчидан, дин ва давлат ўртасидаги ишонч — жамият барқарорлигининг гарови. Ютада давлат ва диний ташкилотлар ўзаро ҳурмат ва ишонч асосида фаолият юритади.

Давлат дин ишларига аралашмайди, лекин унинг ижтимоий аҳамиятини чуқур англайди. Дин эса сиёсатга аралашмаган ҳолда жамиятда ижобий маънавий муҳитни шакллантиради, инсонларни адолат ва инсоф йўлида яшашга чорлайди.

Учинчидан, дин — фақат ибодат эмас, балки меҳр, маърифат ва хизмат. Ютада диний ҳаёт марказида инсонга раҳм-ҳурмат ва жамоага фойда келтириш тамойили туради. Дин орқали инсонлар ўртасида кузатиладиган маънавий, шунингдек, ижтимоий масалалар ҳал этилади. Бу эса диний фаолиятни жамият ривожига йўналтиришнинг самарали йўли сифатида намоён қилади.

Юта тажрибасидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, динни жамият ҳаётида маърифий ва ижтимоий куч сифатида фаол ишлатиш орқали инсонларни бирлаштириш, масъулият ҳамада меҳр туйғусини мустаҳкамлаш мумкин. Бинобарин, дин шахсий эътиқод, жамиятга хизмат, маънавий пок-ланиш ва ахлоқий етуклик манбаи бўлиши зарур. Тарихан шундай бўлиб келган.

Шу маънода, Ўзбекистон ўз миллий моделида динни инсон ва жамият манфаатига хизмат қилувчи маънавий куч сифатида ривожлантирмоқда. Бу шарафли йўлда Ўзбекистоннинг кўп асрлик бой мероси, буюк аждодлар ҳикматлари жамланган беназир асарлари, шунингдек, оғир синовлардан ўтган хорижий тажриба, шубҳасиз, муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

Бошланиши 1-бегда

Президентимиз Шавкат Мирзиёев ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессияси очилиш маросимидagi нутқида таъкидлаганидек, бундай нуфузли форумнинг мамлакатимизда ўтказилаётганини Ташкилотга аъзо давлатларнинг янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг қўлламли, жадал ислохотларга бўлган юксак ишончининг ёрқин ифодаси бўлди

“Сессия иши ёрқин ва қизгин тадбирлар, самарали келишувларга бой бўлгани билан ёдда қолмоқда. Жумладан, икки ҳафта мобайнида Бош конференция сессия мажлислари билан бирга 150 дан ортиқ тадбир, семинар ва конференциялар, халқаро кўргазмалар, концерт дастурлари намойиш этилди. Ташкилотга аъзо давлатлар томонидан тақдимотлар ўтказилди.

ЮНЕСКОнинг ТАРИХИЙ САМАРҚАНД ФОРУМИ ЎЗ ИШИНИ МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАДИ



Бош конференция 43-сессиясида 2017 йилдан буён ЮНЕСКОга раҳбарлик қилган Олди Азуле хонимнинг ваколат муддати якунланди.

Азуле хоним Ўзбекистон ва ЮНЕСКО ўртасида фан, таълим ва маданият соҳаларидаги алоқаларни ривожлантиришдаги катта



хизматлари ҳамда халқимизнинг бой маданий меросини кенг оммалаштиришга қўшган шахсий ҳиссаси учун давлатимизнинг юксак

мукофоти — “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

Мисрлик олим ва сиёсат арбоби Ҳолид

ал-Ананий ЮНЕСКОнинг янги бош директор этиб сайланди.

Давлатимиз раҳбари 12 ноябрь куни Ҳолид ал-Ананийни қабул қилиб, юксак лавозимга сайлангани билан табриклади ва келгуси фаолиятига муваффақиятлар тиллади.

Ўз навбатида, янги сайланган бош директор Президентимизга ташкилотнинг бош тадбири қўллаб-қувватлангани ва юксак савияда ташкил этилгани учун алоҳида миннатдорлик билдирди. ЮНЕСКО Бош конференцияси очилиш маросимида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган стратегик ташаббусларни биргаликда амалга оширишга тайёр эканини таъкидлади.

— Биз ташкилотимизнинг сўнгги қирқ йилдаги тарихида илк бор Париждаги бош қароргоҳимиздан ташқарида, дунёга машҳур Самарқанд шаҳрида Бош конференциянинг 43-сессиясини муваффақиятли ўтказдик, — деди ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессияси раиси Хондкер Мухаммад Талха. — Бу Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг тарихий ташаббуси асосида амалга оширилгани ва барча аъзо давлатлар вакиллари томонидан қўллаб-қувватланганини алоҳида таъкидлашни истайман. Бу билан Ўзбекистон ЮНЕСКО миссиясини қўллаб-қувватлаши, халқаро дипломатия ва мулоқотга очиклигини яна бир бор намоён этди.

ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессияси иштирокчилари форум юқори савияда ўтказилгани ва фаол мулоқотга имконият яратилгани учун Ўзбекистон раҳбариятига миннатдорлик билдирди.

Ўз мухбиримиз



Давлатимиз раҳбари жорий йил 11 ноябрь куни Янги Тошкентда йирик спорт иншооти — замонавий футбол стадиони қурилишига тамал тоши қўйди. Ушбу воқелик нафақат янги иншоот қурилишининг бошланиши, балки янги умид ва катта марраларга илк қадамлардан бири сифатида тарихий аҳамият касб этади.

ЗАМОНАВИЙ СТАДИОН —

ИРОДА, МЕҲНАТ ВА ЗАФАР ТИМСОЛИ

Сўнгги йилларда ўзбек футболі нафақат ички майдонларда, балки халқаро аренада ҳам ўз ўрнини мустаҳкамлади. Терма жамоамизнинг кучи ва маҳорати энди халқаро миқёсда тан олинмоқда. Бунинг асоси эса, албатта, сўнгги йилларда футбол инфратузилмасини замон талабларига мос ривожлантириш борасида амалга оширилган туб ислохотлар ва бунёдкорлик руҳидир.

Янги Тошкентда барпо этилаётган замонавий стадион ёш авлод учун янги имкониятлар майдонига айланса ажабмас. Босиш, бу каби лойиҳалар ёшларга спорт билан шугулланиш, интизом ва жамоавий руҳни ўрганиш имконини беради, жамиятда эса ҳамфирлик ва ҳамжиҳатлик руҳини мустаҳкамлайди.

2017 йилда мамлакатимизда FIFA ва ОФК талабларига жавоб берадиган майдонлар сони атиги 3 та бўлган. Бугунги кунда эса 10 дан ошиб, ҳудудларда 75 та катта ва 302 та мини стадион фаолият юритмоқда. Юқори Чирчиқ туманида барпо этилган Миллий футбол маркази ва 65 мингдан ортиқ ёшни қамраб олган академиялар бу ўзгаришларнинг яққол мисолидир.

Ушбу мактабларга халқаро даражадаги мутахассислар жалб қилинди, 70 фоиз маҳаллаларда эса мини майдончалар

ташқил этилди. Бу тизимли ишлар орқали ёшлар маҳалладан бошлаб тўғридан тўғри футбол академияларига кириш имкониятига эга бўлмоқда.

Бунёдкорлик нафақат инфратузилмада, балки миллатнинг халқаро майдондаги обрўсида ҳам акс этади. Сўнгги йилларда ўзбек футболі эришган ютуқлар — Париж Олимпиадасида илк иштирок, келаси йил бўладиган жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритиш ва дунёнинг турли клубларида ўйнаётган футболчиларимиз умумий трансфер қиймати 60 миллион доллардан ошishi бунёдкорликнинг амалий натижаларидир.

Янги Тошкент стадиони эса нафақат 2027 йилда 20 ёшгача бўлганлар ўртасидаги жаҳон чемпионати учун хизмат қилади, балки бутун ўзбек футболі ва ёшлар спорті ривожі учун замин яратади. Стадион “яшил энергия”, “ақлли бошқарув” ва қулай муҳит принциплари асосида, миллий қадриятлар ва замонавий меъморлик уйғунлигида барпо этилмоқда.

Ҳар бир замонавий стадион, футбол академияси ва мини майдон нафақат спорт объекти, балки миллатнинг бирлиги, ҳамжиҳатлиги ва илҳом руҳини мустаҳкамлайдиган, келажак авлод учун имконият ва умид манбаи бўлган бунёдкорлик пояси ҳисобланади.



УМИДЛАРИМИЗ РЎЁБГА ЧИҚА БОШЛАГАНИ БАРЧАМИЗНИ ҚУВОНТИРЯПТИ

**Мирзаҳаким ТЎХТАМИРЗАЕВ,
“Дўстлик” ордени соҳиби,
спорт шарҳловчиси:**



— Янги стадион футболчилар, уларнинг устозлари ва футбол мутасаддилари учун нафақат ишонч, балки катта рағбат манбаи бўлиб хизмат қилади. Замонавий инфратузилма орқали ёш футболчилар ўз иқтидорини ривожлантириш, халқаро мусобақаларда мамлакат шарафини муносиб ҳимоя қилиш имконига эга бўлади.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонимизнинг турли ёшдаги терма жамоалари Осиё чемпионатлари финалларида иштирок этишига, зафар қулишига оқдланиб қолдик. Олимпиадада иштирок этиб, катталар ўртасида 2026 йилги жаҳон чемпионати финал босқичига йўлланмани қўлга киритганимиз ҳам бу соҳага қаратилаётган эътибор мевасидир.

Футбол мухлислари ва спортчилар учун яратилаётган имкониятлар беқиёс.

Миллий футбол марказини кўрганидан сўнг хайратини яширмай: “Ўзбеклар сўзи ва иши бирлигини амалда исботлади. Мен халқингизга қойил қолдим”, деди. Бу эътироф Ўзбекистон футболнинг жаҳон миқёсидаги обрўсидан далolat.

Ҳақиқатан, Олимпия шаҳарчаси, Миллий футбол маркази ва янги стадион — буларнинг барчаси нафақат инфратузилма, балки ёш футболчилар ва мухлислар учун илҳом маскани, ватан шарафи учун хизмат қиладиган макон. Футбол орузлари ҳақиқатга айланяпти ва бу жараёнда давлат эътибори, фан ва спорт мутахассислари, мураббийлар ҳамда ёшлар ҳамкорлиги алоҳида аҳамиятга эга.

Зеро, замонавий инфратузилма орқали келажак чемпионлари тайёрланади, ёшлар ўз салоҳиятини ривожлантиради ва юртимиз шарафини халқаро аренада муносиб ҳимоя қилади. Мухтасар айтганда, бу стадион ёшлар орузи, миллий гуруҳ ва келгуси ғалабаларимизнинг таянч маскани бўлади.

УЛКАН ҒАЛАБАЛАРНИНГ ТАЯНЧ НУҚТАСИ

**Миржалол ҚОСИМОВ,
ОКМК футбол клуби бош мураббийи:**



— Янги Тошкентда замонавий стадион қурилишига тамал тоши қўйилиши нафақат спорт соҳаси, балки бутун мамлакатимиз ёшлари ҳаётида муҳим тарихий воқеадир. Бу жараёни икки оғиз сўз билан ифода этиш, шубҳасиз, осон эмас. Чунки бу иш ортида бутун бир халқнинг орузи, янги авлоднинг умиди, миллий гуруҳ ва спортга бўлган юксак эътибор мужассам.

Биз улғайган йилларда бундай имкониятлар, бундай шароитлар ҳақида оруз қилишнинг ўзи катта гап эди. Ҳозир ҳар бир маҳаллада ёшлар учун спорт майдончалари, замонавий иншоотлар, турли мусобақа ва тўғараклар ташқил этилмоқда. Бу эса жисмоний соғлом, маънан бақувват авлодни тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Ҳар бир бола майдонда тўп сурганида, ўз орузини кўради — кимдир халқаро майдондаги

бирор клуб сафида, кимдир миллий терма жамоа либосида ўйнашни тасаввур қилади. Давлат томонидан спорт инфратузилмасига бундай катта эътибор қаратилаётгани эса шу орузларни рўёбга чиқараётган йўлдир.

Яқинда Ўзбекистон футболчилари — U-17 жаҳон чемпионати гуруҳ босқичидан Панамани 6:1

ҳисобида мағлуб этиб чиққани ҳам юртимиздаги бундай ижобий ўзгаришларнинг ёрқин ифодасидир. Бу ғалаба бир ўйин натижаси эмас, балки йиллар давомидаги тинимсиз меҳнат, баркамол авлодни тарбиялаш сиёсатининг амалдаги самараси. Ёшларимиз майдонда ирода, жасорат ва юрт номига муносиб ўйин кўрсатди.

Бугун нафақат юртимизда, балки халқаро майдонда ҳам ўзбек футболига қизиқиш ортиб бормоқда. Бунинг замирида тинимсиз меҳнат, замонавий шароитлар, илғор тажриба ва энг муҳими, ёшларимизга ишонч ётади.

Яқин йилларда халқаро клубларда тўп сураётган ёш истеъодларимиз сони кўпайиши табиий. Улар орқали бутун дунё юртимизнинг гурурли, иродали, мақсади аниқ ва ватан севгиси билан йўғрилган авлодини кўрса, ажабмас.

Янги стадион фақатгина спорт иншооти эмас — у келажакда юртимиз шарафини ҳимоя қиладиган футболчиларнинг бешиги бўлади. Шунинг учун ҳам бугунги қадам келажак ғалабаларининг бошланғич нуқтаси, янги Ўзбекистон футболі тарихи учун янги саҳифадир.

ЁШЛАР ИҚТИДОРНИ НАМОЁН ЭТУВЧИ МАСКАН

**Рўзиқул БЕРДИЕВ,
“Насаф” футбол клуби
бош мураббийи:**



— Сўнгги йилларда катта эътибор ва амалга оширилаётган ташаббуслар футболимиз ривожига кенг йўл очмоқда. Шу эътибор туфайли футболчиларимиз Олимпиадада иштирок этиш имконига эга бўлди ва халқимиз кўп йиллар оруз қилган жаҳон чемпионатида йўлланмани қўлга киритди.

**ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИДОРЛИ ВА ИСТЕЪДОДЛИ
ФУТБОЛЧИЛАРГА БОЙ. ЯНГИ СТАДИОН
ВА МАРКАЗЛАР ОРҚАЛИ УЛАРНИНГ
САЛОҲИЯТИ ХАЛҚАРО МАЙДОНДА НАМОЁН
БЎЛАДИ. ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТАШАББУСИ БУ
ЖАРАЁННИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРМОҚДА,
ҲАР БИР ИҚТИДОРЛИ ФУТБОЛЧИ УЧУН
ИМКОНИАТЛАР КЕНГАЙМОҚДА.**

Бугун қурилаётган замонавий спорт шаҳарчаси ва айниқса, замонавий стадионнинг пойдевори ҳам айнан давлатимиз раҳбари ташаббуси ва ғамхўрлиги билан қўйилди. Бу ишларнинг ҳар бири футболимизни янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Яқинда FIFA президенти Жанин Инфантино юртимизга таширф буюрди. У Юқори Чирчиқ туманида барпо этилган

Бугун қурилаётган замонавий спорт шаҳарчаси ва айниқса, замонавий стадионнинг пойдевори ҳам айнан давлатимиз раҳбари ташаббуси ва ғамхўрлиги билан қўйилди. Бу ишларнинг ҳар бири футболимизни янги босқичга олиб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Яқинда FIFA президенти Жанин Инфантино юртимизга таширф буюрди. У Юқори Чирчиқ туманида барпо этилган

**ИШОНАМИЗКИ, БУ СТАДИОН КЕЛГУСИ ЙИЛЛАРДА НАФАҚАТ ЮРТИМИЗ, БАЛКИ БУТУН
МИНТАҚА ФУТБОЛИ РИВОЖИДА МУҲИМ ЎРИН ТУТАДИ. ШУНИНГДЕК, БУГУНГИ
БУНЁДКОРЛИК, ЭРТАНГИ МУВАФФАҚИЯТНИНГ РАМЗИГА АЙЛАНАДИ.**

ПОЙДЕВОРИ БУГУН, НАТИЖАСИ ЭРТАГА

**Нуриддин МАҲМУДОВ,
Миллий футбол маркази директори:**



— Бугун юртимиз футбол соҳасида янги тарих ёзилаётганига ғувоҳ бўляпмиз. Янги Тошкент шаҳрида барпо этилаётган 55 минг ўринли замонавий стадион янги иншоот бўлиши билан бирга бутун бир авлоднинг орузи, келажак ғалабаларининг пойдевори сифатида алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда болалар футболидан тортиб, профессионал спортгача бўлган жараёнда ягона тизим шаклланди. Бу орқали ёш авлод нафақат спорт маҳоратини оширмоқда, балки жамоавий ишлаш, интизом ва ирода каби зарур фазилатларни ҳам ўрганмоқда.

55 минг ўринли янги стадион эса нафақат миллий жамоамиз, балки профессионал клубларимиз учун ҳам катта имконият яратади. Энди нуфузли халқаро мусобақаларни юртимизда ўтказиш, дунё футболі элитаси билан ҳамкорлик қилиш имкони пайдо бўлмоқда. Бу орқали мамлакатимизда спорт туризми, замонавий тадбирлар маданияти ҳам ривожланади.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги тўрт йилда давлатимиз раҳбари томонидан футбол соҳасига доир

бешта ҳужжат имзоланди. Ҳар бир ҳужжат амалда янги босқични бошлаб берди: болалар футболі, аёллар футболі, мураббийлар тайёрлаш ва замо-

навий бошқарув тизимини шакллантиришда катта натижаларга эришилди.

Бу қарорлар ва янги стадион қурилиши Ўзбекистон футболі тарихида янги саҳифани очаётган улкан қадамдир. Зеро, бугун қўйилаётган пойдевор эртанги ғалабаларнинг асоси бўлади. Чунки футбол фақат майдондаги ўйин эмас, балки халқни бирлаштирадиган, ёшларни илҳомлантирадиган, миллат шарафини олий поғоналарга олиб чиқадиған кучдир.

Ишонамизки, бу стадион келгуси йилларда нафақат юртимиз, балки бутун минтақа футболі ривожига муҳим ўрин тутати. Шунингдек, бугунги бунёдкорлик, эртанги муваффақиятнинг рамзига айланади.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири
Сардор ТОЛЛИБОВЕВ ёзиб олди.**

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА
АССОЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ
УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**